



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 64 (19.440).

1986 йил 13 март, пайшанба

Баҳоси 3 тийин.



РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИБ, МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК!

ТИНЧЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Ленин партиясининг халқаро миқёсдаги обрў-этибори ҳақда юксакдир. Планетада партиянинг тинчлик стратегиясига ишонч ортиб бормоқда. Урушларсиз ва қуролларсиз келажак бўлишига халқларнинг ишончи мустаҳкам бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди ҳақида чет элларда билдирилган фикр-мулоҳазаларда ўз ифодасини топибди.

Халқлар съездининг тарихий воқеа сифатида кўлиб олди. КПСС Марказий Комитетининг съездида Сийёсий доклади халқаро жамоатчилик фикр-уйлари ва кайфиятларида чуқур из қолдирди. Хавф-хатарсиз дунёни вужудга келтириш философияси инсониятнинг орзу-умидларига мос келади. Съезд олға сурган конкрет ҳаракатлар платформаси ҳолис интиқ кишиларнинг руҳланганлигида. Совет коммунистлари анжуманининг гоилари ва қарорлари халқаро тарққибнинг ҳозирги бўрилиш босқичида муҳим даврнинг бошлаб бормоқда. Бу гоилар ва қарорлар жаҳон сийёсатининг мазмунини ҳамда ўқиб бораётган аср охири ва келгуси аср бошларида Ер юзюда ишларнинг боришини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

«Съезд социализм ва тинчлик, тинчлик ва бунёдкорлик ажралмас эканлигини яна бир бор ақол қўрсатди, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев. — Социализм инсониятнинг ҳарбий ташвиш ва ўзвонлигининг оғир юкюдан халос этиш йўлидаги курашга бошчилик қилмаганда, у ўзининг тарихий вазифасини бажармаган бўлар эди. Барча халқлар учун беҳтар ва адолатли дунё — совет сийёсатининг баш мақсади».

КПСС ташқи сийёсий стратегиясининг асосий мақсададари ва йўналишлари КПСС Марказий Комитетининг съездида Сийёсий докладида асослаб берилган. Унинг халқаро бўлимида реализм ва новаторлик билан, уруш ва тинчлик проблемаларига масулиятли ёндашиш, сийёсий жиҳатдан янги қарорларни излаш билан йўналиш берилди. Съезд партиянинг ички ва ташқи сийёсий соҳасидаги баш йўналиш — маълуматини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш. Ер юзюда тинчликнинг мустақиллаш йўлини маъқуллади. Унинг барча принциплари йўл-йўриқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таърирдаги Программасига киритилди.

Съезд ҳужжатларида тинчликнинг сақлаш ва қарор топтириш йўлидаги ишларнинг конкрет программаси ола суртилган. Ҳозирги давр жаҳон тарққибнинг ҳамма омилларини қамраб олаш таъмин этиш бу программани асос қилиб олинган. Унда принциплар ҳуқуқлар чикариш, унда принциплар ҳуқуқлар назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб улар мустақил тинчлик учун кураш сийёсатида баш оқилона сийёсий йўлнинг ҳақидаги аниқ тушунича билан қуроллантирилади.

Халқаро майдонда янги объектив шарт-шароитлар вужудга келди. Бизнинг давримизда ҳеч қим, ҳатто энг қудратли мудофиа барпо этган таъкидлар ҳам ўзини ҳаммаси қила олмади. Ядро урушида ҳам голиб чиқиш мумкин эмас. Хавфсизликнинг таъминлаш тобора кўп-роқ сийёсий вазифа бўлиб бормоқда ва уни фақат сийёсий асослар билангина ҳал этиш мумкин. Контрадикция билан социализм ўрта-сизда қарала-қарилмиш фақат ва муқаллоқ тинч мусобақа ҳамда тинч рақобат шаклида ўтиш мумкин.

КПСС XXVII съезди ана шунга асосланиб, партия Марказий Комитетига халқаро хавфсизлик проблемаларини изчилик билан, планли асосда ва қатъий билан ҳал қилишга эришишни топширди. Съезд Совет Иттифоқи тарихи сийёсатини тинч-тотув ашаш йўлига оғимай амал қилишга, бизнинг принципларимиз ва позицияларимизнинг қатъий ҳимоя қилишнинг таъмин жиҳатдан эътибор билан ўзаро манбўл бўлган келишувларга, мулоқот ҳамда ҳамжиҳатликнинг излашга таъйири билан қўшиб олиб боришга қаратди. Съезд, дейилади Сийёсий доклади юзасидан қабул қилинган резолюцияда, Совет ташқи сийёсатини ҳамма йўналишларда аниқ ақтиялаштириш, кескинлик ўқоқларнинг адолатли бартараф этиш йўлиларини излаш, ҳамма давлатлар билан ўзаро манфаатли, аниқ қўшилмиш муносабатларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди.

Ядро хавфи, қуролланиш пойғасига қарши, янги тинчликнинг сақлаб қолиш ва мустақиллаш учун кураш партия фаолиятининг халқаро майдондаги баш йўналишини бўлиб қолаверади. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг 15 январдаги Бавитюнда ола суртилган программани рўйбга чиқариш учун кураш ана шу доирада СССР ташқи сийёсатининг марказий йўналишини бўлиб қолади. Бу программа тарихий аҳамиятга эгадир. Агар босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган режалар бажарилса, инсоният XXI асри адо қуролсиз, ўзининг қирлиб кетиш хавфини кутинган ҳолда кутиб олади.

Ўзаро асосда ташқиран контрольни қўлланган ҳолда чеклашга ёки таъқиқлаб қўйишга СССР таъйёр бўлмаган қурол турни йў. Ҳозир вақт ғаниматидеа космосда қурол-роғлар қўйишга аниқлаш зорурдир. Халқлар адро потенциалларини қисқартириш ишда реал сиқишнинг талаб қилмоқда. Ядро сиқовларини тўхта-ти ҳамда Европа зонасида Совет ва Америка ўртача олислик рақатларини тўғатиш бу соҳада жуда катта қадам бўлар эди. Ҳақиқат

дақиқалари яқинлашмоқда. Ҳарб сийёсатчилари адро қуролдан воз кечишга умуман таъйирми? — Улар бу саволга жавоб беришларига тўғри келади. Улар қуролланиш пойғасини қандай қилиб тўғатиш тусусида конкрет қадамлар қўйишга, амалий ҳаракатлар қилишга, реал аҳдлашмоқ олишга таъйирми СССР бунга таъйирдир.

КПСС халқаро фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Европа масаласидир. Европанинг тарихий истиқболлари — тинч ҳам

ТАРИХ САҲИФАЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

МУНАВВАР ЧОРРАҲАЛАР

Дарҳақиқат, ўтган долғали кураш йўллари, манзилларнинг бошида парвоз этган «Хужум» ҳаракатининг қалдирғочлари Нурхон, Турсун-ойлар ҳақида ҳаёлонан сўзлаш мушкул.

Нурхон! Олтин водийнинг зархонаси — иппаклар, шох-атласлар шаҳри Марғилонда ҳар сўқум, тулга кирган арғувон, ҳар жила, боғлар оша қанот қаққатган қўшқ оҳанглари, чертилган дўтор жарағи Нурхонни ёдга солиб туради. Халқ ансамбллари, хаваскорлик тўрақлари, уларда иштирок этаётган бахти бекам барнобарчинларга қараб қувонамиз. Улар мунаввар чорраҳалардан ўтиб, санъат қосоналарига кириб келишади.

Шаҳарнинг икки томонидаги улкан иппак қорхоналари — осмонпар бинолар нурга чайилгандек ёруғ. Орасида кўчалар бизни шаҳар маданияти уйига олиб чиқади. Унинг олдидаги катта гулзорда санъат қурбони Нурхон йўлдошвага ҳайкал ўрнатилган. Рубаруби буюн шаҳар кутубхонаси. Гулзор орасидаги фавворалардан ёш кўчалари сув отилиб туради. Сув заррачалари Турсун-ой ва Нурхонларнинг қаро кўзларидан тоғман аччиқ ёшларни эслатади, бизга.

Қўриқсан дорға ёйган қўйлагим Езмай шимарилган нозик билгим.

Вафосиз ёр экан, қонимни тўқди Шул эрдими дўстлар, орау-тилагим! Нурхон 1929 йилнинг 1

июлида фожияна ўлдирилганда 16 ёшли баркамол сулувлар киз эди. Унинг инқилобий рақслари, санъатдаги кураш минглаб Нурхонларни оёққа турғизди. Ўшандан буён 57 йил ўтди. Бу давр ичида озолиқ душманлари ер билан яқсон бўлди. Нурхон хотирасини ёдга солувчи нури чорраҳаларнинг ҳикояси мўл. Ҳайнал олди гулзорда ифтор гуллар, анвойи чечаклар очилиб турибди. Улар Нурхоннинг айтилмай қолган қўшқлари, ушалмай

ларга бориб қолган аёл. Санъатта меҳр қўйган нуроний онахонимизнинг хизматлари кўп. Бегимхон ая бизга сингилсин ҳақида сўзлади, у билан тушган нодир суратларни кўрсатди. У суратларнинг бирида машҳур Уста Олим Комиловнинг доира чертиб турган сиймоси тасвирланган. Уста Олим Бегимхон аянинг умр йўлдоши. Нурхоннинг эса устози бўлган. Бегимхон ая: «Уни эсласам, кўз олдида нур парво-

ташладилар. Жаҳолат ботқоқда қолган оталари қизларининг жасоратини ҳазм қилолмади, албатта. Бегимхон билан Нурхон уста Олим Комилов ва Қориекубов ташкил этган Самарқанд группасига қабул қилинганди. 1929 йилнинг ёзида Нурхон ва Бегимхон Марғилонга Уста Олим билан биргаликда отпускуга келди. Нурхон ва Бегимхоннинг ўртоқлари билан бирга Тухфа аммаси меҳмонга қаҳради. Бегимхон ая иситмалаб қолганлиги туфайли меҳмонга боролмаганди.

Ақаси Солининг ўқитиши Бегимхон учун ҳам қайраб, тайёр қилиб қўйилган эди... Қўйил ниятига етолмай қолган қўшқларини қўйлади. Санъат душманлари не-не талантларни йўқ қилишмади. Лекин санъат чамани қуриб қолгани йўқ.

Бегимхон ая Нурхон учун ҳам, устози Ҳамза учун ҳам саҳнага солиқ қилишга қарор қилди. 1929—1957 йиллар давомида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ишлади. Музикали драмаларда етакчи ролларни ижро этди. Ҳ. Зафарийнинг «Ҳалима», У. Хожиевнинг «Аршин молчи», Брусиловскийнинг «Гуляндом» асарларидати наҳрамонлар образи ҳақида унинг юрагиди ялаб келди. Бутун умрини санъатга бағишлаган аёл бисотида, хотирасида ёдгорликлар, нодир суратлар, мактублар талай.

Бегимхон ая бизга биринчилардан бўлиб паранжи ташлаган Саломатхон ая ҳа-

қида ифтихор ҳисси билан гапириб бердилар. Саломатхон ая ўша хурофотчилар изғиб юрган йилларда Нурхон билан Бегимхонни бир неча ҳафта давомида уйда сандиқа беркитиб, жаҳолат айғоқчиларидан яширган. Ҳимоя қилган эди. Саломатхон ая ўзи ҳам қатор санъат гунчаларини сафта қўшган, камолга етказган аёл.

Бегимхон аянинг санъат ва санъаткорлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи бебаҳо хазинаси — архиви билан танишиб ўтириб, биз Амин Умарийнинг «Нурхон» номили достонининг қўлемасини учратдик. Достон 1938 йилнинг 20 ноябрда «Еш ленинчи» газетасининг 159-сониде босилган. Ватанпарвар шоир жаҳолат қурбони бўлган Нурхоннинг ўлиmidан жуда қаттиқ таъсирлангани сезилиб турибди.

Сизни тўсган паранжичиммат, Кўнчи кесган зиндон — паранжи. Оқ дилларга чўккан ғам-қулфат Юракларнинг ситими, Ранжи Бари кетди ўтмиш қатрига...

Нурхон рўмол ўраган баҳор, Нурхонларнинг ҳамроҳи бўлди. Ёруғ юлдуз йўлчи бўлган юрт Нурхонларнинг паноҳи бўлди.

Мана, Бегимхон аянинг бисот сандиғида сақланган юзлаб мактубларнинг бири. «Хурматли Бегимхон Ко-

милова, Фарғона шаҳар Қирғули посёлкасидаги 12-март дирекцияси, коллективи, комсомол ва пионер ташкилоти номидан Сизга мурожаат қилаётимиз. Биз сингилнингиз Нурхоннинг ҳаётини чуқурроқ билишни истаймиз. У яшаган курашган муҳит ҳақидаги ҳикояларингизга муштокмиз. Дўстимиз Нурхон номида. Ҳар йили 2 март кунини биз «Нурхон хотираси кунин» деб эълон қилганмиз...

Мактубларнинг ичида яна бири диққатини тортди. Ўзбекистонга Германия Демократик Республикасида меҳмон бўлиб келган немис ёзувчиси Куба ва журналист Ганс Розенкранц баҳор юртининг раққоса қизлари санъати билан танишдилар. Улар беихтиёр Нурхоннинг ҳаётидан, қисматидан сўз очдилар. Розенкранц Бегимхон аянинг ҳикояларини жуда катта қизиқиш билан тингладилар. ГДРга қайтгач, «Паранжисиз Тошкент» сарлавҳаси билан катта мақола ёзиб чиқарди. Ҳар йили 8 март байрамида Германия Демократик Республикасида Бегимхон аяга ҳароратли мактуб ва табрик телеграммаси келди.

Театр институтини, консерватория, музика билим юрларига, халқ театрлари ва маданият уйларида юзлаб Нурхонлар бор. Мунаввар чорраҳалардан ўтиб бораётган бахтли замоннинг ис-тедод гунчаларини катта умид, ишонч ва ҳавас билан ардоқлаймиз.

Эътибор ОХУНОВА.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР